

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИРИСМЕТОВА НОДИРА УСМОН ҚИЗИ**

**ДАРАХТСИМОН АЛОЭ (*Aloe arborescens Mill*) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИНИ  
ЁМҒИРЛАТИБ ВА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИДА  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Sontents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Ирисметова Нодира Усмон кизи**

Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens Mill*) доривор ўсимлигини  
ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулларида етиштириш  
технологияларини ишлаб чиқиш..... 5

**Ирисметова Нодира Усмон кизи**

Разработка технологий выращивания лекарственного растения алоэ  
древовидное (*Aloe arborescens Mill*) методами дождевого и капельного  
орошения ..... 21

**Irismetova Nodira Usmon kizi**

Development of cultivation technologies of tree-shaped medicinal plant aloe  
(*Aloe arborescens Mill*) in sprinkler and drip irrigation methods ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИРИСМЕТОВА НОДИРА УСМОН ҚИЗИ**

**ДАРАХТСИМОН АЛОЭ (*Aloe arborescens Mill*) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИНИ  
ЎМЎРЛАТИБ ВА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИДА  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Qx1242-рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsau.uz](http://www.tsau.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамсиев Акмал Садирдинович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жураев Умид Анварович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Бердибаева Дилфуза Базарбаевна,**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” МТУ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи бир марталик Илмий кенгашнинг 18 март 2025 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№552095-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2025 йил 6 мартда тарқатилди.  
(2025 йил 6 мартдаги 12-рақамли реестр баённомаси.)

**Ф.Б.Намозов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

**А.А.Қурбонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент.

**М.С.Раҳманкулов**

Бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Алоэ дунё бўйича тиббиёт, фармацевтика, парфюмерия ва косметологияда кенг фойдаланиладиган доривор ўсимликлардан бири бўлиб, унинг асосан 3 та тури, яъни дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill), оддий алоэ (*Alóe arboréscens*) ва ҳақиқий алоэ (*Aloe vera* L.) турлари ўстирилади. Дунё бўйича алоэ доривор ўсимлигининг энг катта плантациялари АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Жанубий Корея ва Россия давлатларида барпо қилинган. Дунёда етиштириладиган алоэ доривор ўсимлигининг 80 фоизи АҚШнинг Forever Living Products компаниясига тўғри келиб, 6000 гектар алоэ плантацияси ташкил қилинган<sup>1</sup>. Россияда алоэ ўсимлигининг 2,5 минг м<sup>2</sup> иссиқхона майдонда плантациялари мавжуд. Мазкур мамлакатларда алоэ доривор ўсимлигини очик майдон ва иссиқхона шароитида интенсив технологияларни қўллаш ҳисобига юқори ва сифатли доривор хомашё етиштирилмоқда. Кейинги йилларда дунё миқёсида алоэ доривор ўсимлиги хомашёсига бўлган талабнинг ошиб бораётганлигини, қолаверса глобал иқлим ўзгаришлари ва мамлакатимиз табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, алоэ доривор ўсимлигини очик ва ҳимояланган жойларда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг тиббиёт, фармацевтика ва парфюмерия саноати илғор ривожланган етакчи мамлакатларида асосий хомашё манбаларидан бири бўлган алоэ доривор ўсимлиги бўйича фармакология, биокимё, молекуляр биология, биотехнология йўналишларида, шунингдек фойдаланиш мақсадига қараб интенсив етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар йўлга қўйилган ва салмоқли натижаларга эришилган. Шунингдек, бугунги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ҳам мазкур доривор ўсимликни етиштириш ва хомашёсидан кенг фойдаланишга доир тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан, ҳозиргача импорт қилинаётган алоэ доривор ўсимлиги хомашёси ҳажмини камайтириш мақсадида, ўсимликнинг морфобиологик хусусиятларидан келиб чиқиб очик майдон ва иссиқхона шароитида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда фармасевтика соҳасини барқарор ривожлантириш ва саноатни табиий хомашё билан мунтазам таъминлаш учун доривор ўсимликларни суғориладиган маданийлаштирилган плантацияларда етиштириш ва қайта ишлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 22-майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари

---

<sup>1</sup> <https://forever-products.com.ua/aloe-informatsiya/6-proizvodstvo-stabilizirovanogo-gelya-aloe-vera-forever-living-products>

тўғрисида”<sup>2</sup>ги қарори муҳим аҳамият касб этиб, мазкур қарорга мувофиқ ўрмон фонди, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги қорхоналарида доривор ўсимликлар етиштириш учун 2024-йилда 43310 гектар, 2025-йилда эса 50646 гектар ер ажратиш кўзда тутилган. Ўзбекистонда алоэ доривор ўсимлигини илмий ўрганиш ва интродукция қилиш бўйича кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари натижасида дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) турини ёпиқ усулда кўпайтириш ва ўстириш мумкинлиги аниқланган. Лекин, ўсимликни суғориладиган шароитда турли суғориш усулларида етиштириш агротехнологияси илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам кўп йиллик алоэ доривор ўсимлигини очиқ майдонда ва иссиқхона шароитида экологик тоза маҳсулот сифатида етиштириш агротехнологияларини, жумладан суғориш усуллари ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш орқали республикамиз фармасевтика саноатининг алоэ доривор ўсимлиги хомашёсига бўлган талабини қондириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>3</sup>ги фармони ва 2020-йил 26-ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”<sup>4</sup>ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг асосий устивор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Доривор алоэ ўсимлигини илмий ўрганиш борасида хорижда А.Л.Тахтаджян, А.Л.Курсанов, М.В.Горленко, А.Ф.Федоров, И.Г.Андрианова, С.Й.Соколов, И.Н.Брезгин, Ф.М.Куперман, Б.А.Келер, М.Д.Машковский, Д.Давидов, Т.К.Рязанова каби олимлар томонидан маълум даражада тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистон шароитида И.Ҳамидов, П.Шукруллаевлар алоэ доривор ўсимлигининг сув режимини ва транспирация жараёнини илмий ўрганган, В.Каримов, П.Шомухамедовлар бу ўсимлик билан табобатда кўплаб касалликларни даволаш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Абу Али Ибн Сино беморларни даволашда алоэ (сабер) доривор ўсимлигидан ичак безларининг яхши ишлашида ва ошқозон, ўн икки бармоқ ичак ярасини даволашда кенг фойдаланган.

Шунингдек, Ўзбекистонда хўжалик экинларини томчилатиб ва ёмғирлатиб

---

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-6027139>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-4567334>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-5125714>

суғориш бўйича Р.Икрамов, М.Хамидов, Ш.Нурматов, В.Безбородов, А.Шамсиев, У.Норкулов, С.Исаев, Б.Мамбетназаров, М.Авлиякулов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Лекин, алоэ доривор ўсимлигини очик ва иссиқхона шароитида етиштириш технологияси, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида етиштириш технологияси деярли ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ бўлиб, Дехқончилик ва мелиорация кафедрасининг “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларнинг элементларини такомиллаштириш” мавзусидаги 2021-2025 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг III-боби, яъни “Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлигини ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлигини ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

алоэ доривор ўсимлигини очик ва иссиқхона шароитида ўстириш учун субстратлар таркибини ўрганиш;

алоэ доривор ўсимлигини очик ва иссиқхона шароитида суний субстратларда етиштирилган ўсимликларни ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш тартибларини ўрганиш;

очик ва иссиқхона шароитида суний субстратларда ўстирилган алоэ доривор ўсимлигининг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш;

алоэ доривор ўсимлигининг ҳўл яшил барги ҳосилини ва шира чиқиш даржасини аниқлаш;

очик ва иссиқхона шароитида суний субстратларда ўстирилган алоэ доривор ўсимлиги барг шираси маҳсулотининг сифатини баҳолаш;

очик ва иссиқхона шароитида суний субстратларда ўстирилган алоэ доривор ўсимлигини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Тошкент вилояти Қибрай тумани “Арча боғ” боғдорчилик хўжалиги, “Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлиги, суний субстратлар, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усуллари олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, очик майдонда ва иссиқхона шароитида тупроқ, кум, чириган гўнг ва улар аралашмасидан тайёрланган субстратлар, пласмасса тувакларда ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усуллари кўллаб ўстирилган алоэ доривор ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши, кўк масса ҳосилдорлиги, шира чиқиш даражаси ва маҳсулот сифатини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқот услублари.** Дала ва лаборатория тадқиқотлари умумқабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методика

вегетационных опытов с хлопчатником”, “Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных районах полевых и вегетационных опытов с хлопчатником” услубий қўлланмалари асосида, ўсимлик кимёвий таркибини аниқлаш АҚШ, Япония, Германия ва Италиядан келтирилган замонавий лаборатория қурилмалари ва услубларида ҳамда олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш Б.А.Доспеховнинг “Методика поливного опыта” услубий қўлланмаси асосида Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлиги вегетатив органларидан иссиқхона шароитида қўчат тайёрлаш ҳамда алоэ ўсимлигини очик майдон ва иссиқхона шароитида махсус тувакчаларда ўстириш учун мақбул субстрат таркиби (тупроқ (30%) + қум (20%) ва чириган гўнг (50%) аралашмаси (рН=8,35, ES - 0,63 дс/м)) ва унинг хусусиятлари (ҳажм массаси – 1,05 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги – 44,5 %, тўлиқ нам сифими – 29,3 %, гумус миқдори – 0,91 %, ҳаракатчан азот -24,0 мг/кг, фосфор – 33,7 мг/кг, алмашинувчи калий – 240,0 мг/кг) аниқланган;

алоэ доривор ўсимлигини сунъий субстратларда ўстириш учун очик майдонда (бахор-ёз ойларида) томчилатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 6-11, мавсум давомида 52 марта, бир марталик суғориш меъёри 200 г/туп, суғоришлар ораси 3-4 кун, ёмғирлатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 5-8, мавсум давомида 32 марта, бир марталик суғориш меъёри 500 г/туп, суғоришлар ораси 4-6 кун, иссиқхона шароитида (ноябр-апрел ойларида) томчилатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 4-5, мавсум давомида 26 марта, бир марталик суғориш меъёри 200 г/туп, суғоришлар ораси 6-7 кун, ёмғирлатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 2-4, мавсум давомида 20 марта, бир марталик суғориш меъёри 500 г/туп, суғоришлар ораси 8-17 кун бўлиши мақбул эканлиги аниқланган;

алоэ доривор ўсимлигининг энг юқори ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари таркибида тупроқ 30 % + қум 20 % + гўнг 50 % бўлган субстратларда ёмғирлатиб суғориш усулида етиштирилганда кузатилиб, поя узунлиги – 59 см, барглар сони – 30,7 дона/туп, барг узунлиги – 22,3 см ни ташкил этган ҳолда, томчилатиб суғорилганга нисбатан мос равишда 4,2 см, 4,2 дона/туп ва 2,9 см юқори бўлганлиги исботланган;

алоэ доривор ўсимлигининг (4-йилги ўсимликларда) энг юқори яшил барг ҳосили (2,039 кг/туп) таркибида тупроқ 30 % + қум 20 % + гўнг 50 % бўлган субстратларда ёмғирлатиб суғориш усули билан етиштирилган ўсимликларда олиниб, шира чиқиши 1927,8 г/туп ёки 95,9 % ни ташкил этган ҳолда, унинг рН кўрсаткичи 5,24, ES - 6,15 мс/см ва фаол минераллар миқдори 3 г/л бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

алоэ доривор ўсимлигини очик ва ёпиқ майдонларда навбатлаб қўчма ҳолда етиштириш учун мос полиетилен туваклар (78 см<sup>3</sup>) танланган ва субстратларнинг мақбул таркиби аниқланган;

тувакларда тўпланадиган ортиқча сувларни тортиб олиш ва

субстратларнинг ҳаво режимини ростлаш учун махсус дренаж қувурлари (d 16 mm) билан жиҳозлаш ва тувакдаги ўсимликларни 60×30-1 см тизимда жойлаштирилиш, ўсув даври давомида кўчатларга ишлов бериш (юмшатиш), минерал ўғитларлардан фойдаланмасдан фақат органик ўғитлар билан озиклантириш (150-200 г/гуп) тартиблари ишлаб чиқилган;

алоэ доривор ўсимлигини сунъий субстратларда (тупроқ 30 % + қум 20 % + гўнг 50 %) томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида етиштириш учун мақбул ойлик ва мавсумий суғоришлар сони, бир марталик суғориш меъёри ва суғоришлар ораси (кун) аниқланган;

алоэ доривор ўсимлигини томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш натижасида сув тежалиши, қўлда суғоришга нисбатан меҳнат сарфининг камайиши, яшил барг ҳосили (1,850 ва 2,039 кг/гуп) ва шира чиқиши юқори (94,2 ва 95,9 %) бўлишлиги, иқтисодий жиҳатдан самарали (йиллик 50,5 ва 58,9 млн сўм соф фойда ёки рентабеллик даражаси 61,0 ва 71,3 %) эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Алоэ доривор ўсимлигини ўстириш бўйича очиқ ва иссиқхона шароитида тажрибаларни олиб боришда умумқабул қилинган услублардан, лаборатория таҳлилларини ўтказишда замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги тадқиқот натижаларининг ишинчилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алоэ ўсимлигининг кўчатларини уч ва ундан кўп йиллик она ўсимликларининг илдиз бўғизи атрофида вужудга келган янги ўсимталардан фойдаланиш, субстратлар таркиби (фаол моддаларнинг максимал тўпланиш муддати), баҳор-ёз ойларида очиқ майдонда, куз-қиш ойларида иссиқхона шароитида ўстиришдаги мақбул ҳарорати, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш тартиблари, алоэ доривор ўсимлиги кўчатларини ўсиши, ривожланиши, фаол моддаларнинг максимал тўпланиш муддати, яшил барг ҳосилдорлиги, шира чиқиш ҳажми, ширасидаги асосий фаол моддалар таркибининг аниқланганлиги ва илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти доривор алоэ ўсимлигини очиқ ва ёпиқ майдонларда навбатлаб кўчма ҳолда етиштириш ҳамда юқори ва сифатли доривор хомашё олиш учун полиетилен туваклар (78 см<sup>3</sup>) танланганлиги, тувакларни махсус дренаж қувурлари билан жиҳозланганлиги ва тувакдаги ўсимликларни 60×30-1 тизимда жойлаштирилиш, кўчатларга ишлов бериш (юмшатиш), органик ўғитлар билан озиклантириш тартиблари ишлаб чиқилганлиги, ёмғирлатиб суғориш усулида ойлик суғоришлар 2-4 марта, мавсум давомида 20 марта, суғоришлар ораси 8-17 кун бўлиши кераклиги аниқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан

баҳоланади.

**Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши.** Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens Mill*) доривор ўсимлигини ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

“Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens Mill*) доривор ўсимлигини ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулларида етиштириш технологиясини жорий қилиш бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024-йил 12-августдаги №05/06-04-387-сонли маълумотномаси*). Натижада, ушбу тавсиянома ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўқув ва илмий-ишлаб чиқариш жараёнларида, дарахтсимон алоэ доривор ўсимлигини етиштирадиган ердан фойдаланувчилар ҳамда гулчилик билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун илмий-услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

алоэ доривор ўсимлигини махсус органик субстрат (тупроқ-30%, кум-20%, чириган гўнг-50%) билан тўлдирилган тувакларда иссиқхона (ноябр-апрел ойларида) ва очик майдонда (баҳор-ёз ойларида) томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғориш усулларида етиштириш технологиялари Тошкент вилояти Қибрай тумани “Қибрай-Арча боғи” фермер хўжалиги таркибидаги 2000 м<sup>2</sup> иссиқхона ва 3000 м<sup>2</sup> очик майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024-йил 12-августдаги №05/06-04-387-сонли маълумотномаси*). Натижада, яъни очик майдонда томчилатиб суғориш усулида суғоришлар сони ойига 6-11, мавсум давомида 52 марта, бир марталик суғориш меъёри 200 г/туп, суғоришлар ораси 3-4 кун, ёмғирлатиб суғоришда ойига 5-8 марта, мавсум давомида 32 марта, бир марталик суғориш меъёри 500 г/туп, суғоришлар ораси 4-6 кун бўлиши, иссиқхона шароитида томчилатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 3-5, мавсум давомида 26 марта, бир марталик суғориш меъёри 200 г/туп, суғоришлар ораси 6-7 кун, ёмғирлатиб суғориш усулида суғоришлар сони ойига 2-4, мавсум давомида 20 марта, бир марталик суғориш меъёри 500 г/туп, суғоришлар ораси 8-17 кун бўлиши эвазига ўсимликнинг мақбул ўсиши-ривожланиши, барг сони ва барг сатҳининг кўпайиши таъминланиб, ёмғирлатиб суғориш усулида 2,04 кг/туп яшил барг ҳосили ёки 1,928 г/туп шира хомашёси, томчилатиб суғориш усулида эса 1,850 г/туп яшил барг ҳосили ёки 1,720 г/туп барг шираси хомашёсини олишга, йиллик рентабеллик даражаси мос равишда 71,3 ва 61,0 % бўлишига эришилган;

алоэ доривор ўсимлигини махсус органик субстрат (тупроқ 30%, кум 20%, чириган гўнг 50%) билан тўлдирилган тувакларда иссиқхона (ноябр-апрел ойларида) ва очик майдонда (баҳор-ёз ойларида) томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғориш усулларида етиштириш технологиялари Сирдарё вилояти Боёвут тумани “Боёвутда захматкаш ери” фермер хўжалиги таркибидаги 2000 м<sup>2</sup> иссиқхона ва 2000 м<sup>2</sup> очик майдонда жорий этилган (*Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2024-йил 12-августдаги №05/06-04-387-сонли маълумотномаси*). Натижада, яъни очик майдонда томчилатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 7-10, мавсум давомида 45 марта, бир

марталик суғориш меъёри 200 г/туп, суғоришлар ораси 3-4 кун, ёмғирлатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 6-7, мавсум давомида 30 марта, бир марталик суғориш меъёри 500 г/туп, суғоришлар ораси 4-6 кун бўлиши, иссиқхона шароитида томчилатиб суғоришда суғоришлар сони ойига 3-5, мавсум давомида 24 марта, бир марталик суғориш меъёри 200 г/туп, суғоришлар ораси 6-7 кун, ёмғирлатиб суғориш усулида суғоришлар сони ойига 2-4, мавсум давомида 20 марта, бир марталик суғориш меъёри 500 г/туп, суғоришлар ораси 8-17 кун бўлиши эвазига ўсимликнинг фаол ўсиши-ривожланиши, барг сони ва барг сатҳининг кўпайиши таъминланиб, ёмғирлатиб суғориш усулида 1,76 кг/туп яшил барг ҳосили ёки 1,607 г/туп шира хомашёси, томчилатиб суғориш усулида эса 1,670 г/туп яшил барг ҳосили ёки 1,610 г/туп барг шираси хомашёси олинган ҳамда тегишлича 71,3 ва 55,0 % йиллик рентабелликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Тошкент давлат аграр университетининг махсус комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб, ижобий баҳоланган, тадқиқотлар натижалари бўйича йиллик илмий ҳисоботлар университетининг Илмий-услубий кенгашларида муҳокама қилинган ва маъқулланган, шунингдек 2 марта Республика ҳамда 4 марта халқаро илмий-анжуманларда, жами 6 марта маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шундан, илмий журналларда 4 та мақола, жумладан 3 та мақола республика миқёсида ва 1 та мақола хорижий журналда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари таърифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён этилган, изланишларнинг амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг “**Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлигини ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усулларида етиштириш технологияларини (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган, доривор алоэ ўсимлигининг морфобиологик ва физиологик

хусусиятлари, кимёвий таркиби, фармакалогик хусусиятлари, очик ва ҳимояланган жойларда етиштириш технологиялари, хўжалик экинларини томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари, республикамиз шароитида алоэ доривор ўсимлигини сув режимини ва транспирация жараёнини илмий ўрганиш, таъбиатда кўплаб касалликларни даволаш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлар чуқур таҳлил қилинган. Шунингдек, алоэ доривор ўсимлигини очик майдон ва иссиқхона шароитида, шу жумладан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаганлиги ва бу бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги баён қилинган.


Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари ва услублари” деб номланган иккинчи бобида алоэ доривор ўсимлигини иссиқхона ва очик дала шароитида етиштириш йўллариини ўрганиш учун илмий тажрибалар Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Арча боғи” боғдорчилик хўжалигида амалга оширилди. Бунда, тажрибалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган тизим асосида ўтказилди:

### 1-жадвал

#### Тажриба тизими

Вариант рақами	Вариантлар номи	Таркиби, %
<b>Томчилатиб суғориш</b>		
1	Тупроқ (назорат)	Тупроқ 100 %
2	Қум (1-2мм)	Қум 100 %
3	Қум+тупроқ аралашмаси	Қум-50 %-тупроқ-50 % аралашмаси
4	Тупроқ+қум+чиритилган мол гўнги аралашмаси	Гўнг-50 %, қум-20 %, тупроқ-30 %, аралашмаси
<b>Ёмғирлатиб суғориш</b>		
1	Тупроқ (назорат)	Тупроқ 100 %
2	Қум (1-2мм)	Қум 100 %
3	Қум+тупроқ аралашмаси	Қум-50 %-тупроқ-50 % аралашмаси
4	Тупроқ+қум+чиритилган мол гўнги аралашмаси	Гўнг-50 %, қум-20 %, тупроқ-30 %, аралашмаси

Алоэ доривор ўсимлигини тувакларда ўстириш учун ҳажми 78,5 см<sup>3</sup> бўлган стандарт пласмасса туваклар танланди, тадқиқотлар давомида тувакларда тўпланадиган ортиқча сувни тортиб олиш ва тувакдаги субстратни ҳаво режимини тартибга солиш мақсадида ҳар бир тувак дренаж (дренаж қувири пласмасса d-20 mm) қувирига улаб чиқилди ва улар чуқурлиги 20 см, эни 25 см, узунлиги 8 м бўлган траншеяга жойлаштирилди, дренаж қувурлари траншеянинг қуйи қисмида дренаж оқимини қабул қилувчи очик коллекторга уланди. Траншеядаги тувакларнинг 15 см қисми тупроқ билан кўмилди. Тувакларнинг туб қисмига 5 см қалинликда ўлчами 0,5-1,0 см бўлган шағал жойлаштирилди ва тегишли субстратлар билан тўлдирилди ва туваклар юзаси бўйлаб томчилатиб суғориш қувурлари жойлаштирилди ҳамда ҳар бир тувакка биттадан томчилатгич ўрнатилди (1-расм).



Фиг.1

### 1-расм. Томчилатиб суғоришда туваклар ва дренаж тизими:

1-траншея, 2-туваклар ва ўсимликлар, 3-қатор оралиғи, 4- томчилатиб суғориш қувири, 5-дренаж қувири, 6-тувакни дренажга уланиши, 7- томчилатгич, 8-коллектор (дренаж сувини тўпланиш ариғи)

Диссертациянинг “Очиқ ва иссиқхона шароитида дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлигини томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тартиби” деб номланган учинчи боби 7 та бўлимдан иборат. Алоэ доривор ўсимлигини кўпайтириш вегетатив йўл билан амалга оширилди ва уни кўпайтириш икки усулда 1) она ўсимликнинг илдиз бўғзидан чиққан янги ўсимликлардан кўпайтириш; 2) она ўсимликнинг илдиз баргларида кўпайтириш бўлади.

Тажрибада алоэ доривор ўсимлигини кўпайтиришни ўрганиш учун тажриба вариантларидаги турли субстратларга она ўсимликнинг илдиз бўғзидан чиққан янги ўсимта қўчатлари 2020 йил апрел ойининг бошида олиниб махсус идишларга экилди ва шу ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши ўрганиб борилди.

**Субстратлар таркиби.** Субстрат тайёрлаш учун юқорида келтирилган талабларни таъминлаш мақсадида суғориладиган майдонларида тупроқнинг ҳайдалма қатламидан (30 см чуқурликда) олинган тупроқдан ювилган майда кум ва тўлиқ чиритилган мол гўнгидан фойдаланилди. Тупроқ ва кум, чиритилган гўнг ҳар қайси алоҳида 2 мм элакдан ўтказилди ва улар ўзаро аралаштирилиб, пласмасса тувакларга солинди.

Субстратларнинг тажриба вариантлари бўйича таркиби ва ўзаро нисбатлари 1-вариант тувакларга солинган қуруқ тупроқ масса 2,486 кг (1-нисбатда), 2-вариант учун қўлланилган кумли масса 3,843 кг (1-нисбатда) бўлди, тажрибанинг 3-вариантида тупроқ+кум 1,617 кг ни, кум қисми эса 1,632 кг, жами 3,249 кг ни ташкил қилиб, 0,5:0,5 нисбатда бўлди. Тажрибанинг 4-вариантида тупроқ 0,622 кг, кум 0,415 кг, гўнг 1,029 кг жами 2,066 кг бўлиб, уларнинг ўзаро нисбатлари 0,3:0,2:0,5 дан иборат бўлди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича тажрибада ўрганилган субстратларнинг асосий сув-физик хоссалари, ҳажмий массаси, ғоваклиги,

тўйиниш намлиги, тўлик нам сиғими, субстратларнинг таркибига боғлиқ ҳолда ўзгариш кўзатилади.


Кўпчилик қишлоқ хўжалиги экинлари суғориладиган шароитда, нисбатан кам экин турлари эса суғорилмайдиган шароитга мослашган. Доривор ўсимликлар ҳам бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари сингари фақат суғориладиган ва суғорилмайдиган лалмикор шароитда айрим доривор ўсимлик турлари эса иккала шароитда ҳам етиштиришга мослашган. Лекин, шуни таъкидлаш керакки, суғориладиган шароитда етиштириладиган доривор ўсимлик турларининг ҳосилдорлиги ва олинадиган ҳосил сифати, суғорилмайдиган лалмикор ерлар ёки табиий шароитларда ўсув турларига нисбатан бир мунча устунликларга эга. Алоэ доривор ўсимлиги ксерофит ўсимликлар таркибига кирувчи “Суккулент” (грекча йўғон, қалин баргли) ўсимлиги бўлиб, ўсув органларида кўп миқдорда сув тўплаш хусусиятига эга, қурғоқчилик таъсирига ўта чидамли ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаги кундузги иссиқ ҳарорат тасирида ўсимлик лабчалари ёпиқ ҳолатга ўтиб ўсимлик органларидаги сув узоқ муддат сақланиб туради, аксинча кечаси ҳаво ҳарорати камайиши эвазига унинг лабчалари очилади, натижада ҳаводаги намликни тупроқ сўриб олади. Алоэ доривор ўсимлиги табиатда намлик етишмаслиги натижасида жуда секин ўсади, натижада уларнинг ҳўл масса ҳосилдорлиги ҳам жуда паст бўлади.

Алоэ доривор ўсимлигини очиқ майдонларда ва иссиқхона шароитида турли субстратларда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари кўллаган ҳолда ўстириш давомида берилган суғориш сонлари, бир туп ўсимлик учун сарфланган сув меёри, суғоришнинг давомийлиги ва суғоришлар орасидаги кунлар бўйича олинган илмий маълумотлар кўрсатишича алоэ доривор ўсимлигини очиқ майдонда томчилатиб суғориш усулида баҳор-ёз яни май-октябр ойларида 6-11 марта жами 52 марта, бир туп ўсимлик учун бир марта суғоришда ўртача 200 г/туп, суғоришдаги орасидаги кунлар 3-4 кун бўлишлиги аниқланди.

Ёмғирлатиб суғоришда эса ўртача ҳар ойда 4,7-8,3 марта, мавсум давомида жами 32,4 марта, бир туп ўсимлик учун бир марта суғоришда 500 г/туп суғоришлар орасидаги муддат эса 4,0-6,0 кундан иборат бўлди.

Иссиқхона шароитида яъни ноябр-апрел ойларида алоэ доривор ўсимлиги томчилатиб суғориш усулларида ойлик суғоришлар сони 3,6-5,0 марта, мавсумий суғоришлар сони 26 марта, мавсум давомида бир туп ўсимлик учун сарфланган сув 200 г, суғоришлар орасидаги кунлар 6-7 кунни, ёмғирлатиб суғориш усулида ойлик суғоришлар 2,3-4,0 марта, жами 20 марта, бир туп ўсимлик учун сарфланган сув 500 г, суғоришлар орасидаги кунлар эса 8-17 кунни ташкил қилди.

Алоэ доривор ўсимлигининг очиқ ва иссиқхона шароитида томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғориш усулларида ўстириш учун сарфланган мавсумий баҳор-ёз ва куз-қиш ва умумий йиллик сув сарфи 2-расмда келтирилган. Ушбу диаграммада келтирилган маълумотлар бўйича очиқ майдонда баҳор-ёз мавсумида томчилатиб суғориш усулида тажриба йиллар бўйича ўртача 1036 м<sup>3</sup>/га, ёмғирлатиб суғоришда эса 1862 м<sup>3</sup>/га сув сарфланди (2-расм).



**2-расм. Дарахтсимон алоэ доривор ўсимлигининг очиқ ва иссиқхона шароитида ўстириш учун сарфланган мавсумий ва умумий су сарфи (м³/га).**


Йил давомида сарфланган сув миқдори томчилатиб суғориш усулида 1400 м³/га, ёмғирлатиб суғориш усулида эса 2569 м³/га ни ташкил қилди. Тажрибада ёмғирлатиб суғориш усулининг умумий сув сарфи, томчилатиб суғориш усулига нисбатан 1169 м³/га кўп бўлиб, бу ёмғирлатиб суғориш усули билан берилган сув ёмғир тарзида ўсимлик ва тупроқ юзасига берилганлиги учун кўпроқ сув сарфланган, томчилатиб суғоришда эса берилган сув тўғридан-тўғри ўсимлик кўчатига етказиб берилганлиги учун сув сарфи нисбатан кам бўлди.

Диссертациянинг “Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлигини очиқ ва иссиқхона шароитида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида ўсиши ва ривожланиш динамикаси” деб номланган тўртинчи бобида ўсимликнинг поя узунлиги ўзгариши, барг сони ва барг узунлигининг ўзгариши, кўшимча пояларнинг ҳосил бўлиши ва поядаги бўғин оралиғи, хўл ва қуруқ массаси ҳамда яшил барг ҳосилдорлиги бўйича тадқиқот натижалари батафсил келтирилган.

Алоэ доривор ўсимлиги барглариининг хўл ва қуруқ массалари тажрибанинг ҳар бир вариантларида кузда октябр ойининг биринчи ўн кунлигида электрон тарозида тортиш йўли билан аниқланди. Алоэ доривор ўсимлигининг хўл ва қуруқ барглари массаси тажриба вариантлари субстратларига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилади (3-расм). Тажриба вариантларда нисбатан энг кўп оғир барглар 4-вариантда кузатилиб, бунда баргнинг хўл массаси йиллар бўйича 15,0-22,0 гр/донани, ўртача 4 йиллик кўрсаткич эса 18,0-18,6 гр/донани ташкил қилди. Бу кўрсаткич 1-вариант (назорат) га нисбатан йиллар бўйича 2,0-4,0 гр/дона, ўртача 4 йиллиги эса 0,6 гр/донага кўп бўлганлиги аниқланди.

Алоэ доривор ўсимлиги барглариининг қуруқ масса бўйича олиб борилган аниқлаш натижаларини кўрсатишича, нисбатан юқори қуруқ масса ҳам тажрибанинг 4-вариантида қайд қилинди. Бу вариантдаги барглариининг қуруқ массаси йиллар бўйича 0,4-1,3 гр/донани, ўртача 4 йиллик кўрсаткич эса 0,7-0,8


гр/донадан иборат бўлиб, 1-вариантга нисбатан 0,1-0,5 гр/донани ва 0,3 гр/дона кўп бўлган.



**3-расм. 4-йилги дарахтсимон алоэ доривор ўсимлиги баргининг хўл ва қуруқ массаси, г/дона**

Ўсимлик баргларининг хўл ва қуруқ массаларини суғориш усуллари бўйича ўзаро фарқи ўрганилганда, ёмғирлатиб суғориш усулида барча вариантлар кўрсаткичи томчилатиб суғориш усулига нисбатан устун эканлиги кузатилди.

Тажрибада алоэ баргларининг таркибидаги сув миқдорини аниқлашда ўсимликлар хўл ва қурилган барглари массасини ўзаро таққослаш йўли билан аниқланди. Олинган илмий натижалар 3-расмда келтирилган. Ушбу маълумотларини кўрсатишича алоэ доривор ўсимлигининг хўл баргларидаги сув миқдори тажрибанинг барча вариантларида ва суғориш усулларида 95,6-97,9 % ни ташкил қилди.



**4-расм. 4-йилги дарахтсимон алоэ доривор ўсимлиги баргининг сув миқдори (қуруқ оғирлигига нисбатан)**

**Дарахтсимон алоэ (*Aloe arborescens* Mill) доривор ўсимлигининг яшил барг ҳосилдорлиги.** Алоэ доривор ўсимлигининг яшил барглари хом-ашёси халқ табобати ва замонавий тиббиётда асосий хом-ашёлардан бири ҳисобланади. Плантация шароитида алоэ доривор ўсимлиги кўчатларида энг кўп яшил барг вужудга келиш муддати ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади.

Алоэ доривор ўсимлигининг энг кўп барг тўпланиши ва маҳсулот сифати бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича ўсимлик 3-4 йиллик кўчатларда энг кўп барг массаси ва кўп шира тўпланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунинг учун ҳам ушбу илмий тадқиқотларда алоэ доривор ўсимлиги 4 йил давомида очиқ майдонда ва иссиқхона шароитида ўстирилиб, уларда йиллар бўйича турли субстратларда ва томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғориш усулларида ўстириш таъсирида барглари кўпайиши, барг ҳосилдорлиги ва барг шираси тўпланиши ўрганилди.

Тажрибанинг 4 йилдаги ўсимликларнинг яшил барг ҳосили томчилатиб суғоришда вариантлар бўйича 1-вариантда 1,528 кг/тувак, 2-вариантда 0,912 кг/тувак, 3-вариантда 1,636 кг/тувак, 4-вариантда 1,850 кг/туп бўлган бўлса, ёмғирлатиб суғориш усулида вариантлар бўйича 1-вариантда 1,672 кг/туп, 2-вариантда 1,060 кг/туп 3-вариантда 1,728 кг/туп, 4-вариантда 2,039 кг/тупни ташкил қилди. Томчилатиб суғориш усулида вариантлар бўйича олинган барг ҳосили ёмғирлатиб суғориш усулида кўпайтирилган барг ҳосилини таққослаганда ёмғирлатиб суғориш усулида вариантлар бўйича 1-вариантда 0,144 кг/туп, 2-вариантда 0,148 кг/туп, 3-вариантда 0,092 кг/туп, 4-вариантда 0,189 кг/туп юқори бўлганлиги кузатилди.

